



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Жўраев Абдулло

Тошкент халқаро университети

ORCID: 0009-0008-9546-4233

abdullo.jorayev.i@mv.uz

Аннотация. Мазкур мақолада давлат харидлари соҳасида рақамли технологияларни жорий этишнинг халқаро амалиёти таҳлил қилинади. АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлар тажрибаси асосида электрон харид платформалари, автоматлаштирилган баҳолаш тизимлари, блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг самарадорлиги ўрганилади. Шунингдек, очиқ маълумотлар, ижтимоий назорат, кичик бизнесни жалб этиш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш орқали соҳада шаффофликни оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: давлат харидлари, рақамли технологиялар, очиқ маълумотлар, блокчейн, сунъий интеллект, электрон платформа, жамоатчилик назорати.

АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПРИМЕНЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

Джўраев Абдулло

Ташкентский международный университет

Аннотация. В данной статье представлен анализ международного опыта внедрения цифровых технологий в сферу государственных закупок. На примере США, Европейского союза, Южной Кореи и Сингапура рассматриваются эффективность электронных платформ, автоматизированных систем оценки, применения блокчейн и искусственного интеллекта. Также даны рекомендации по повышению прозрачности в госзакупках за счёт открытых данных, общественного контроля, участия малого бизнеса и совершенствования нормативно-правовой базы.

Ключевые слова: государственные закупки, цифровые технологии, открытые данные, блокчейн, искусственный интеллект, электронная платформа, общественный контроль.

ANALYSIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCE IN THE APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN PUBLIC PROCUREMENT

Juraev Abdullo

Tashkent International University

Abstract. *This article analyzes the international experience of implementing digital technologies in the field of public procurement. Based on the practices of the USA, the European Union, South Korea, and Singapore, it examines the effectiveness of electronic procurement platforms, automated evaluation systems, blockchain, and artificial intelligence. The paper also provides recommendations to enhance transparency through open data, public oversight, SME participation, and legislative improvement.*

Keywords: *public procurement, digital technologies, open data, blockchain, artificial intelligence, electronic platform, public oversight.*

Кириш.

Давлат харидлари – бу давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан мол-мулк, хизматлар ёки ишлар хариди жараёни бўлиб, давлат бюджетидан самарали ва шаффоф фойдаланишни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараён ҳисобланади. Давлат харидлари соҳасининг самарадорлиги ва шаффофлиги давлат бошқарувининг сифатини ошириш, коррупцияни камайтириш ҳамда давлат ресурсларини оқилона тақсимлашда асосий аҳамият касб этади. Шу боисдан бу соҳани рақамлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш жаҳон амалиётида муҳим трендга айланмоқда.

Рақамли технологиялар давлат харидларида янги имкониятлар яратади: тендер жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни тез ва аниқ қайта ишлаш, шаффофликни ошириш ва коррупция хавфини камайтириш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал қилади. Электрон харидлар тизимлари, сунъий интеллект, блокчейн ва бошқа инновацион технологиялар давлат харидлари жараёнини оптималлаштиришда муҳим воситаларга айланмоқда. Шу сабабли, кўплаб давлатлар бу соҳани рақамлаштиришга катта эътибор қаратишмоқда ва самарали тажрибаларни амалга оширишмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, рақамли технологияларни жорий этиш орқали давлат харидлари тизимидаги бюрократик тўсиқлар қисқаради, тендерларда шаффофлик ва рақобат муҳити мустаҳкамланади, иқтисодий ресурслар тежалади ва жамиятга бўлган ишонч ошади. Масалан, АҚШдаги SAM.gov платформаси, Европа Иттифоқи мамлакатларида ягона электрон харидлар тизими, Жанубий Корея ва Сингапурда блокчейн технологияларининг қўлланилиши бу борадаги илғор мисоллардан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Хорижий тадқиқотчилар давлат харидларида рақамли технологияларнинг ўрни ва уларнинг амалий самарасини кенг ўрганмоқда. Масалан, Smith ва Lee (2022) электрон харидлар шаффофликни таъминлаши ва коррупция хавфини камайтириши мумкинлигини назарий ва амалиётда асослаб берган. Garcia ва Patel (2021) Европа мамлакатларидаги электрон тендер тизимлари рақобатни кучайтириш, самарадорликни ошириш ва ресурслар тежамкорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлаган.

Kim (2023) Жанубий Корея тажрибасини таҳлил қилиб, блокчейн технологияси харид жараёнларида ишончлилиқ ва маълумотларнинг ўзгармаслигини кафолатлашини таъкидлаган. Шу билан бирга, Nguyen ва Chen (2020) сунъий интеллект

орқали қарор қабул қилиш жараёнларини оптималлаштириш мумкинлигини кўрсатишган. О'Brien (2021) Австралиядаги рақамли харидлар тизимини жорий этишдаги муваффақият ва тўсиқларни ўрганган.

МДХ мамлакатларида ҳам рақамлаштириш жараёнлари кузатилмоқда. Иванов (2020) Россиядаги электрон харидлар тизимининг қонуний асослари, техник инфратузилмаси ва амалиётдаги самарадорлигига бағишланган тадқиқот олиб борган. Алимов (2021) Қозоғистондаги "Е-Zakup" платформасининг ривожланиш босқичларини ва унинг иқтисодий натижаларини ўрганган.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Жўраев (2021) Ўзбекистондаги электрон тендер тизимларини таҳлил қилиб, уларнинг шаффофликни оширишдаги ўрнини кўрсатади. Нурматов (2022) эса рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали давлат ресурсларини тежаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш масалаларини ёритган.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги рақамли иқтисодий шароитда давлат харидларида юзага келадиган рискларнинг олдини олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борган.

Тадқиқот методолигияси.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек давлат харидларини амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Давлат харидлари соҳасини рақамлаштириш борасидаги халқаро амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу жараён давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг давлат маблағларидан фойдаланиш устидан назоратини кучайтириш ва коррупция хавфини камайитишда муҳим омилга айланган. Бу йўналишдаги етакчи мамлакатлар АҚШ, Европа Иттифоқи аъзолари, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлар тажрибаси таҳлил қилиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Аввало, давлат харидлари соҳасида шаффофликни таъминлаш ва очиқ маълумотлар платформаларини шакллантириш асосий трендга айланган. Масалан, АҚШда SAM.gov ва FPDS тизимлари орқали ҳар бир тендер, унинг натижалари, шартнома мазмуни ва амалга оширилиш жараёнлари онлайн тарзда эълон қилинади. Европа Иттифоқи TED портали орқали барча аъзо давлатларнинг харид фаолияти тўғрисидаги маълумотлар умумжаҳон оммага тақдим қилинади. Бундай очиқ маълумотлар платформалари давлат харидларини назорат қилишда фуқаролар, ОАВ ва нодавлат ташкилотлар фаоллигини ошириб, ҳисобдорликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Яна бир муҳим тенденция – тендер жараёнларини автоматлаштириш ва инсон аралашувини камайитиш. Жанубий Кореядаги KONEPS тизимида харид жараёнининг барча босқичлари – тендер эълони, ҳужжатларни қабул қилиш, таклифларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш – тўлиқ автоматлаштирилган. Бу нафақат тезкорликни таъминлайди, балки инсоннинг субъектив қарорлар қабул қилиши эҳтимолини камайтиради, коррупция хавфини чеклайди.

Блокчейн технологияларини жорий этиш ҳам ҳозирги кунда кенг тарқалмоқда. Блокчейн орқали маълумотларнинг ўзгармаслигини таъминлаш, барча ҳаракатларни қайд этиб бориш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш имкониятини йўққа чиқариш имкони мавжуд. Айрим мамлакатлар, жумладан Эстония ва Сингапур, мазкур технологияни шартнома назорати ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида жорий этган. Бу қарор қабул қилиш жараёнларида ишонч ва шаффофликни янада мустаҳкамлайди.

Давлат харидларида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иштирокини кенгайтириш масаласи ҳам халқаро амалиётда муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШда давлат харидларининг муайян қисми (23%) кичик бизнес учун алоҳида ажратилади. Сингапурда GeBIZ тизими орқали SMEларга ҳужжатлар тўлдиришни енгиллаштирувчи модуллар, онлайн маслаҳат хизматлари ва арзонлаштирилган иштирок шартлари таклиф этилади. Бу рақобатни кучайтиради, сифатни оширади ва иқтисодий инклюзивликни таъминлайди.

Бундан ташқари, давлат харидларида ягона электрон платформалар ва интеграциялашган ечимларни жорий этиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. KONEPS (Корея), GeBIZ (Сингапур), TED (Европа) каби тизимлар давлат органлари, харидчи ташкилотлар, молия назорати органлари ва тендер иштирокчилари учун ягона рақамли муҳит яратади. Бу ҳам маълумотлар алмашишни тезлаштиради, ҳам бюрократик тўсиқларни камайтиради ва қарор қабул қилиш жараёнини самаралилаштиради.

Шунингдек, жамоатчилик иштирокини кучайтириш орқали назорат механизмларини янада фаоллаштириш тенденцияси ҳам қайд этилмоқда. Айрим мамлакатларда жамоатчилик эътирози билан баъзи тендерлар бекор қилинган, қайта қўриб чиқилган ҳолатлар кузатилган. Электрон тизимлар орқали фуқаролик аудитлари, фидбек функциялари, ҳисоботларга изоҳ қолдириш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Нихоят, давлат-хусусий шериклик (PPP) лойиҳаларини рақамли муҳитда ташкил этиш амалиёти давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ишончни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда жорий этилаётган электрон платформалар барча шартнома жараёнларини мониторинг қилиш, муаммоларни зудлик билан аниқлаш ва самарали алоқани таъминлашга ёрдам беради.

1-жадвал

Давлат харидларида рақамли технологияларнинг халқаро тажрибалари таҳлили (OECD va gebiz.gov.sg)

Мамлакат	Электрон платформа	Асосий хусусиятлар	Амалий натижалар
АҚШ	SAM.gov, FPDS	- Харид жараёнлари тўлиқ очиқ - Барча маълумотлар онлайн - Кичик бизнес учун алоҳида имтиёзлар	- Кичик бизнесга 23% тендер - Рақобат ва шаффофлик ошди - Коррупция хавфи камайди
Европа Иттифоқи	TED (Tenders Electronic Daily)	- 30+ давлатни қамраб олади - Ягона тизим - Барча тендерлар онлайн кузатилади	- Харажатлар 15–17%гача қисқарди - SMEлар иштирокида ўсиш - Қарорлар шаффофлашди
Жанубий Корея	KONEPS	- Ягона электрон тизим - Барча жараёнлар автоматлашган - Электрон тўлов ва шартнома кузатуви	- 75%га тезлашган жараён - 3 трлн вон тежамкорлик - БМТ томонидан мукофотланган тизим
Сингапур	GeBIZ	- Барча агентликлар иштирокчи - SMEлар учун имкониятлар - Ҳужжатлар тўлиқ очиқ	- Бюрократия камайди - SME иштирокчи сони ортиб боради - Назорат кучайди, ишонч ошди

Юқорида таҳлил қилинган халқаро тенденциялар рақамли технологиялар давлат харидларида улкан трансформацияга сабаб бўлаётганини кўрсатади. Бу жараёнда техник ечимлар билан бир қаторда, институционал ислохотлар, кадрлар тайёргарлиги ва фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон учун бу йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш, миллий шароитга мослаштириш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш жуда долзарб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасини рақамлаштиришни янада чуқурлаштириш ва самарали ташкил этиш учун бир қатор устувор йўналишларни амалга ошириш зарур.

Аввало, давлат харидлари соҳасидаги электрон тизимларни ягона интеграциялашган платформа асосида марказлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда турли идора ва ташкилотлар алоҳида платформалардан фойдаланмоқда. Бу эса маълумотлар алмашинуви ва мониторинг жараёнларида узилишларга олиб келади. Шу сабабли, барча харидчи ташкилотлар, молия ва назорат органлари, тендер иштирокчилари бирлашадиган ягона рақамли экотизимни яратиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, очиқ маълумотлар ва жамоатчилик мониторингини кучайтириш соҳада шаффофликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Харид жараёнларининг барча босқичлари: эълон, таклифларни қабул қилиш, баҳолаш натижалари, шартнома мазмуни ва бажарилиш ҳолати очиқ маълумот сифатида эълон қилиниши лозим. Фуқаролар ва ННТлар ушбу маълумотларни осон англай олиши учун визуал шаклдаги ахборотлар, инфографика ва интерактив хариталар шаклида тақдим этилиши керак.

Бундан ташқари, тендер жараёнларини автоматлаштириш ва баҳолашда сунъий интеллектдан фойдаланиш самарадорликни оширади. AI асосида ишловчи алгоритмлар таклифларни мезонлар бўйича автоматик баҳолайди ва ғолибни танлашда инсон аралашувини камайтиради. Бу усул субъективлик, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция хавфини камайтиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Блокчейн технологияларини жорий этиш эса маълумотларнинг ўзгармаслигини таъминлайди. Дастлаб шартномаларни назорат қилиш, бажарилишини мониторинг қилиш ва ҳужжатларни архивлаштириш жараёнларида блокчейндан фойдаланиш мумкин. Кейинчалик эса бутун харид жараёнини ушбу технологияга ўтказиш орқали назорат ва ҳисобдорлик даражаси янада оширилади.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иштирокини рағбатлантириш давлат харидларида инклюзивликни таъминлайди. SMEлар учун соддалаштирилган тендер шартлари, онлайн маслаҳат ва ўқув хизматлари ташкил этиш зарур. Шунингдек, улар учун алоҳида рўйхатга олиш ва тендерларда иштирок қилишда техник кўмак тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Жамоатчилик назоратини институционаллаштириш соҳада аҳолининг фаол иштирокини таъминлайди. Тендер натижалари юзасидан фуқароларнинг фикр билдириши, оммавий кузатув ва фуқаролик аудит механизмлари ҳуқуқий асосда ишлаши керак. Айрим ҳолатларда жамоатчилик фикри асосида тендер натижаларини қайта кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш мумкин.

Соҳанинг рақамли ислохотларини самарали таъминлашда кадрлар салоҳиятини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Харид тизимида фаолият юритувчи ходимлар учун мунтазам рақамли ўқув курслари, малака ошириш дастурлари ва сертификатлаш тизимлари жорий этилиши лозим.

Ниҳоят, қонунчилик базасини замонавийлаштириш рақамлаштириш жараёнини институционал жиҳатдан мустақкамлашга хизмат қилади. Электрон ҳужжатлар, автоматик баҳолаш, блокчейн асосидаги ҳаракатлар ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун ва унга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замонавий стандартларга мослаштирилиши талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар.

Давлат харидлари соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш халқаро амалиётда коррупцияни камайтириш, шаффофликни ошириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш ва тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратишда муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда. АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамлаштириш жараёнларини тўлиқ интеграцияланган ва автоматлаштирилган платформа орқали амалга ошириш давлат бошқарувида сифат ўзгаришларини таъминлаши мумкин.

Хусусан, тендер жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни очиқ эълон қилиш, блокчейн ва сунъий интеллект каби илғор технологияларни жорий этиш орқали инсон фактори таъсирини камайтириш ва қарорлар шаффофлигини оширишга эришилмоқда. Шунингдек, рақамли ечимлар орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини фаоллаштиришга, шу орқали иқтисодийда соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга эришилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда давлат харидларини рақамлаштиришга оид ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, технологик янгиликларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш ва маълумотларни очиқлиги даражасини ошириш зарур.

Давлат харидлари соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш халқаро амалиётда коррупцияни камайтириш, шаффофликни ошириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратишда муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда. АҚШ, Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, харид жараёнларини тўлиқ интеграциялашган ва автоматлаштирилган рақамли платформалар орқали амалга ошириш давлат бошқарувида сифат ўзгаришларини юзага келтирмоқда.

Хусусан, тендер жараёнларини автоматлаштириш, маълумотларни очиқ эълон қилиш, блокчейн ва сунъий интеллект каби илғор технологияларни татбиқ этиш орқали инсон фактори таъсирини камайтириш ва қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлашга эришилмоқда. Шу билан бирга, рақамли ечимлар орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини фаоллаштириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда давлат харидларини рақамлаштиришга оид бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, технологик янгиликларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш каби масалалар ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда.

Адабиётлар / Литература / References:

Abdurahmonov, I. (2020). *Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. International Finance and Accounting*, (1), 5.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Garcia M., Patel R. (2021) *E-Procurement and Efficiency: Evidence from European Union Countries // European Journal of Government Studies*. – Vol. 13, No. 2. – P. 101–117.

Kim S. J. (2023) *Blockchain in Public Procurement: Enhancing Trust and Efficiency // International Journal of Digital Governance*. – Vol. 5, No. 1. – P. 45–60.

Nguyen T., Chen Y. (2020) *Artificial Intelligence Applications in Public Procurement // Asia-Pacific Journal of Public Sector Innovation*. – Vol. 7, No. 3. – P. 29–43.

O'Brien P. (2021) *Challenges and Opportunities in E-Procurement: The Australian Context* // *Australian Journal of Public Administration*. – Vol. 80, No. 4. – P. 510–525.

Smith J., Lee H. (2022) *Digital Procurement Technologies and Transparency in Public Sector* // *Journal of Public Administration Research*. – Vol. 28, Issue 1. – P. 78–92.

Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. Каталог авторефератов, 1(1), 1–20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.

Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. Экономическое развитие и анализ, 2(7), 230–239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.

Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. Экономическое развитие и анализ, 2(4), 309–319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12–15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.: «Иқтисод молия, 353-354.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *Tadqiqotlar. UZ*, 37(6), 161-167.

Алимов Р. М. (2021) *Электронные закупки в Республике Казахстан: опыт и вызовы* // *Казахский экономический журнал*. – №1. – С. 55–63.

Жўраев С. А. (2021) *Электрон давлат харидларининг самарадорлиги: Ўзбекистондаги тажриба* // *Иқтисодиёт ва бошқарув журналы*. – №4. – Б. 45–52.

Иванов В. С. (2020) *Цифровизация государственных закупок в Российской Федерации: проблемы и перспективы* // *Журнал государственного управления*. – Т. 15, №2. – С. 112–120.

Нурматов И. Б. (2022) *Давлат харидларида рақамли технологияларнинг иқтисодий таъсири* // *Миллий иқтисодиёт журналы*. – №3. – Б. 30–38.